



141100, Nurobod shaxri, Mustaqillik ko'chasi 2-uy,
Tel:633-16-34, Fax:231-98-81, nurobod@samarkand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустақиллик, д.2
Тел:633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

2016 йил «21» сентябр

№ 638-ч

Тумандаги Жаркудук маҳалла фуқаролар
йиғини Олтиўғил қишлоғи ҳудудидан
янги сув иншооти (кудук) ва 2,5 км
узунликдаги сув тармоғини қуриш учун
ер майдони танлаш ва ажратиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил
14 февралдаги 05-23-33-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида
ҳамда Жаркудук маҳалла фуқаролар йиғини Олтиўғил қишлоғи ҳудудидан янги
сув иншооти (кудук) ва 2,5 км узунликдаги сув тармоғи қуриш учун ер танлаш
тўғрисидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини танлаш
масалаларини кўриб чиқувчи ваколатли комиссиянинг далолатномасини кўриб
чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги Жаркудук маҳалла фуқаролар йиғини Олтиўғил қишлоғи
ҳудудидан янги сув иншооти ва 2,5 км сув тармоғи қурилиши учун жами
0,34 га, шу жумладан доимий фойдаланиш учун 0,09 га, вақтинча фойдаланиш
учун 0,25 га ер майдони танлаш тўғрисидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер
участкаларини танлаш масалаларини кўриб чиқувчи ваколатли комиссиянинг
далолатномаси тасдиқлансин.

2. Тумандаги Жаркудук маҳалла фуқаролар йиғини Олтиўғил қишлоғи
ҳудудидан янги сув иншооти ва 2,5 км сув тармоғи қурилиши учун туман
ҳокимлиги ҳисобида бўлган ер майдонидан 0,09 га ер майдони доимий ва 0,25 га
ер майдони вақтинчалик ажратилсин.

4. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га ва туман ер ресурслари ва
давлат кадастри бўлими (Ф.Эргашев)ларга ажратилган ер майдонларини
жойнинг ўзида (натурада) белгилаб, ўлчаб бериш ва далолатнома тузиш,
қурилиш монтаж ишларини доимий назорат қилиб бориш "Сувоқова" ДУК
Нуробод туман филиали бошлиғи (А.Ахмедов)га топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари О.Джураев зиммасига юклатилсин.

